

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ АУДИТ
ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

Исломов Мирзабек Маратович
БМА магистранти

***Аннотация.** Мазкур мақолада тижорат банклари харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёни, уларнинг турлари (фоизли, фоизсиз, операцион) бўйича ҳисоботларда акс эттирилиши ва текширув механизми таҳлил қилинган. Банк харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказишда шартномалар, фоиз ставкалари, бирламчи ҳужжатлар ва ҳисобварақлар асосидаги танловли таҳлил усули кенг қўлланилади. Мақолада “Микрокредитбанк” АТБ мисолида 2023–2024 йиллар давомида фоизли харажатлар таҳлили орқали харажатларнинг ўсиш сабаблари, уларнинг таркибий тузилиши ва молиявий фаолиятга таъсири аниқланган. Мақола охирида аудиторлик текшируви учун махсус дастур асосида текширув босқичлари келтирилган.*

***Калит сўзлар:** банк харажатлари, аудит, фоизли харажатлар, нофоиз харажатлар, “Микрокредитбанк”, молиявий ҳисобот, ҳисобварақлар, аудиторлик дастури, бирламчи ҳужжатлар.*

Банк харажатлари фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларга бўлиниб, уларнинг ҳиссаси аниқланади ва ҳар бир қисм бўйича ҳисобварақлар алоҳида текширилади.

Талаб қилиб олингунча депозитлар (50100), жағарма депозитлар (50000), муддатли депозитлар (51100) бўйича харажатлар тузилган шартномалар ва фоиз ставкалари билан солиштирилган ҳолда

танлов асосида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Олинган кредитлар бўйича фоизли харажатлар (53100, 53600, 54100 ва ҳ.) ҳам юқоридаги тартибда шартномалар асосида танлов йўли билан қайта ҳисоблаб кўрилади.

Комиссион харажатлар ва хизматлир учун харажатлар (55100, 55300, 55800, 55900 ва ҳ.к охирги санага тўлиқ талқин қилиниб), бирламчи ҳужжатлар билан солиштириш йўли билан текширилади. Операцион харажатлар ҳам бирламчи ҳужжатлар асосида тасдиқланади, яъни барча ҳисобварақлар бўйича талқинлар талаб қилиниб, бирламчи ҳужжатлар билан солиштирилади.

Жумладан, 56100 — «Иш ҳақи ва ходимларга бошқа харажатлар» — ҳисоби бўйича иш ҳақлари штат жадвали бўйича ўрнатилиши, уларни ҳисобланиши, тўланиши ҳамда ушланган солиқларнинг ва ушланмаларнинг тўғрилиги текширилади. Ходимларга қилинган бошқа харажатлар ҳам қонуний берилганлигига ҳисоботда изоҳ берилади. Қолган барча операцион харажатларнинг ҳар бири алоҳида юқоридаги тартибда текширилиб, ҳисоботда изоҳ берилади.

Тижорат банклари ҳисобварақлар режасида харажатлар 50000-56902 ҳисобварақларда акс эттирилади. Дастлаб фоизли харажатлар 50100-54904 ҳисобварақларида акс эттирилади. Уларнинг таркиби қуйидагича:

- талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича фоизли харажатлар;
- жамғарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар;
- муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар;

- Ўзбекистон Республикаси ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар;
- бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар;
- банкнинг тугалланмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар;
- қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар;
- бошқа фоизли харажатлар.

Текширув олдидан аудитор харажатлар аудитининг махсус дастурини ишлаб чиқади ва шу дастур асосида ишини олиб боради. Бу дастуртахминан қуйидагича кўринишга эга бўлади:

4.2-жадвал

Банк харажатлар аудитининг махсус дастури¹

	Текширув босқичлари	Талабга жавоб берадими?(+:-)
	Шахсий ҳисобварақлар қолдиғи билан баланс қолдиғини текшириш	
	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот билан шахсий ҳисобварақлар қолдиғини мос келишини текшириш	
	Харажатларни тегишли ҳисобварақларда акс эттиришни текшириш	

¹ Куницына Н.Н., Хисамудинов В.В. Банковский аудит Учеб. пособие. 2-е изд., доп. М.: Финансы и статистика, 2014. 216 с
SJIF:5.219

	Шахсий ҳисобварақлар қолдиғи билан солиқ ҳисоботлари мослигини текшириш	
	Кутилаётган зарарларга ташкил қилинган резервларни тўғрилигини текшириш	

Дастлаб юқоридаги каби аудитор баланс ҳисобварақлари ва шахсий ҳисобварақлар қолдиғини текшириб чиқади. Улардаги суммалар мос келгач, аудитор фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот билан шахсий ҳисобварақлар қолдиқлари мослигини текшириб чиқади. Бу текширув фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг қуйидаги сатрлари асосида олиб борилади.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларга фоизли харажатлар

Бу тур харажатларни текшириш учун аудитор депозит ҳисобварақлари ва улар бўйича фоизларни ҳисоблаш ва уларни фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг тегишли сатрида акс эттирилишини билиши лозим. Аудитор ундан ташқари депозит шартлари, унга фоизларни ҳисоблаш тартиби, депозит капитализация қилиниши ёки қилинмаслигини билиши лозим.

“Микрокредитбанк” АТБнинг 2023 ва 2024 йиллар давомидаги фоизли харажатлари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу давр мобайнида умумий фоизли харажатлар миқдори кескин ўсган. 2023 йилда 1 триллион

758 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 2 триллион 475 миллиард сўмгача ошган.

2-жадвал

"Микрокредитбанк" АТБнинг фоизли харажатлари такиби (2023-2024 йилдаги молиявий ҳисоботлар асосида)

№	ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	01.01.2024	01.01.2020
1	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли харажатлар	35 914 220	30 667 8
2	Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар	789 793 935	453 954 4
3	Марказий банкнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар		
4	Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар	240 156 601	204 078 0
5	Жами депозитлар бўйича фоизли харажатлар	1 065 864 756	688 700 4
6	Кредитлар бўйича фоизли харажатлар	511 342 153	369 289 9
7	Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар		92 658
8	Бошқа фоизли харажатлар	898 623 953	700 206 3
9	Жами кредит ва бошқа қарздорликлар бўйича фоизли харажатлар	1 409 966 106	1 069 588
	Жами фоизли харажатлар	2 475 830 862	1 758 289

Бу ўсиш банкнинг жалб қилинган ресурслар билан боғлиқ харажатларининг ортиши ва фаол кредит-ресурс сиёсати билан изоҳланади. Айниқса, муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар сезиларли даражада ортган — 2023 йилдаги 453 миллиард сўмдан. 2024 йилда 789 миллиард сўмга етган. Бу кўрсаткич банкнинг узоқ муддатли маблағлар жалб этишга эътибор қаратганини англатади. Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича харажатлар ҳам маълум даражада кўпайган бўлиб, икки йил оралиғида 5 миллиард сўмга яқин фарқ қайд этилган. Бошқа банклар ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар 204 миллиард сўмдан SJIF:5.219

240 миллиард сўмгача ўсган. Бу ҳолат банкнинг банклараро фаолиятини фаоллаштирганини, ликвидликни таъминлаш учун кўшимча харажатларга тайёр эканини кўрсатади. Шу билан бирга, марказий банк билан ҳисобварақлар бўйича харажатлар кўрсатилмагани банк ушбу каналдан фаол фойдаланмаганини ёки ҳисобот даврида фоиз тўланмаганини англатиши мумкин. Кредитлар бўйича фоизли харажатлар ҳам 369 миллиард сўмдан 511 миллиард сўмгача кўпайган. Бу кредит ресурсларидан фаол фойдаланиш, маблағларни қайта молиялаштириш ёки қайта шартлаш ишлари билан изоҳланиши мумкин. Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича харажатлар фақат 2023 йилда қайд этилган бўлиб, жуда кичик миқдорда — 92 минг сўмни ташкил этган. Бошқа фоизли харажатлар кўрсаткичи эса 2023 йилдаги 700 миллиард сўмдан 2024 йилда 898 миллиард сўмгача ўсган. Бу харажатлар таркибига банкнинг турли фаолият турлари, хусусан, молиявий инструментлар билан боғлиқ харажатлар киради. Жами депозитлар бўйича харажатлар 2023 йилда 688 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 1 триллион 65 миллиард сўмгача ошган. Бу тенденция банкнинг жалб қилинган маблағлар ҳажмини кенгайтирганини тасдиқлайди. Жами кредит ва бошқа қарздорликлар бўйича фоизли харажатлар ҳам мутаносиб равишда ошган — 2023 йилда 1 триллион 69 миллиард сўмдан 2024 йилда 1 триллион 409 миллиард сўмгача. Хулоса қилиб айтганда, банкнинг фоизли харажатлари умумий ресурс фаолиятидаги кенгайиш, пасивларнинг тузилишида муддатли ва фоиз тўланадиган манбалар улушининг ортиши билан боғлиқ. Ушбу кўрсаткичлар банкнинг кенг қўламли кредит ва депозит фаолиятини амалга оширганини, молиявий SJIF:5.219

мажбуриятларни фаол бошқаришни таъминлаётганини намоён этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 26 июндаги “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги 403-сонли Низом .

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 й. 25 ноябрдаги «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар» 405-сонли Низом.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

4. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2003.–305 б.

5. Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие -3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000 г.

6. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: Ф и С, 2004. - 153 с.

7. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, –М.: Высшее образование, SJIF:5.219



2009. –422 с.

8.Банковское дело: Учебник / под ред. В.И. Колесникова, П.П. Кроливедской. 4–е издание – М.: Финансы и статистика, 1998. –464 с.

9.Банковское дело: Учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. Коробовой. Г.Г. - М.: Экономист, 2005. - 751 с.